

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАНГРИЕВ АЛИШЕР ЖУМАНАЗАРОВИЧ

**ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН БОСҚИЧДА ЁШ ДЗЮДОЧИЛАРНИНГ
ТЕЗКОР-КУЧ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Тангриев Алишер Жуманазарович

Чуқурлаштирилган босқичда ёш дзюдочиларнинг тезкор-куч қобилиятини
ривожлантириш методикасини такомиллаштириш.....5

Тангриев Алишер Жуманазарович

Совершенствование методики развития скоростно-силовых способностей
юных борцов дзюдо на этапе углубленной подготовки.....29

Тангриев Алишер Жуманазарович

Improvement of the methodology for the development of speed-power abilities of
young judoists in the stage of advanced training.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАНГРИЕВ АЛИШЕР ЖУМАНАЗАРОВИЧ

**ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН БОСҚИЧДА ЁШ ДЗЮДОЧИЛАРНИНГ
ТЕЗКОР-КУЧ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped465 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uz-djtsu.uz), “ZiyoNET” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Усманходжаев Талат Саидович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Керимов Фикрат Азизович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Пулатов Фазлиддин Мухиддинович
педагогика фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети раҳбарлигида DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “9” “апрел” “10^с” даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370)-717-17 79,717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uz-djtsu.uz, e-mail:uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети «В» бино, 2-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 211418 рақам билан рўйхатга олинган. Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй.

Диссертация автореферати 2021 йил “23” март куни тарқатилган.
(2021 йил “23” март даги 21 рақамли реестр баённомаси)



М.Р.Болтабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.б.ф.д (PhD), доцент

Б.Б.Мусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, п.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ареналарида дзюдо бўйича ўтказилаётган мусобақаларда рақобатнинг кескинлашиб бориши мазкур спорт турида Халқаро мусобақаларда олтин медални қўлга киритиш учун, ташкилий ва амалий чора-тадбирларни қайта ишлаб чиқишни тақазо қилмоқда. Юқори малакали, истеъдодли ва рақобатбардош дзюдочиларни тайёрлашга ихтисослаштирилган илмий-технологик мактаб яратиш, машғулот юкламаларини шуғулланувчиларнинг ёши, жинси, функционал ва жисмоний имкониятларига қараб қўллаш методикаси илғор инновацион технологиялардан фойдаланишни талаб этмоқда. Дзюдо инсоннинг нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга эришишида ҳам муҳим омиллардан бирига айланган. Дзюдочиларни ҳар томонлама тайёрлаш, жумладан, ёш дзюдочиларнинг тезкор-куч қобилиятларини ривожлантиришда мажмуавий машқлардан фойдаланиш, турли техник-тактик ҳаракатларни ривожлантиришда долзарб масалалардан ҳисобланади.

Дунёда ёш дзюдочиларни тайёрлаш назарияси ва амалиётида чуқурлаштирилган тайёргарлик босқичида тезкор-куч қобилиятларни ривожлантиришга доир назорат машқларини танлаб олиш, турли тайёргарлик босқичларида ўқув-машғулотларини режалаштириш, техник элементларни оқилона ўзлаштиришга ёрдам берувчи энг мақбул восита ва усулларни ишлаб чиқиш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилган. Шуғулланувчиларнинг ёшга хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда тезлик, куч, чаққонлик, чидамлилиқ ва эгилувчанлик сифатларини ривожлантиришга доир кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Турли тайёргарлик босқичларидаги ўқув-машғулотлари жараёнида техник-тактик ҳаракатларни бажаришда ёш дзюдочиларнинг тезкор-куч қобилиятларини ошириш услубияти, мусобақа фаолияти хусусиятларини моделлаштириш юзасидан илмий изланишлар ўтказилмоқда. Бугунги кунда чуқурлаштирилган тайёргарлик босқичларида дзюдо билан шуғулланувчи ёш дзюдочиларда тезкор-куч қобилиятларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш масаласи долзарблик касб этмоқда.

Республикамызда спортчиларнинг жисмоний қобилиятларини рўёбга чиқариш ва ривожлантириш, ёшлар орасидан профессионал спортга иқтидорли спортчиларни жалб этиш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Шу боис, ватанимызда спортни оммавийлаштириш ва юқори ютуқлар, спортни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. «Ёш авлодни ҳар томонлама етук этиб тарбиялаш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, уларга ўз қобилияти ва истедодини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда».¹ Ўзбекистон спортчилари жаҳон спорт

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сонли “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори [http // Lex.uz](http://Lex.uz)

майдонларида улкан муваффақиятларга эришиб, ҳақли равишда тан олиниб келинмоқда. Маълумки, спортчиларнинг юқори натижаларга эришиши уларнинг жисмоний ва техник тайёргарликлари даражасига боғлиқ. Бугунги кунда, амалга оширилган барча тадқиқот ишларида ёш дзюдочилар томонидан мусобақа машқларини техник маҳорат билан амалга оширишни такомиллаштиришда мажмуавий ёндашув услубларидан фойдаланиш тавсия этилган. Бироқ, чуқурлаштирилган тайёргарлик босқичда ёш дзюдочиларнинг жисмоний сифатларидан тезкор-куч қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган махсус ёрдамчи машғулот юкламаларини турли шиддат зоналари бўйича тақсимлаш ва режалаштириш аҳамияти ва унинг самарадорлигини аниқлаш муаммоларига бағишланган тадқиқотлар етарли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2821-сон “Ўзбекистон Республикаси спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида иштирок этишга тайёрлаш тўғрисида”ги Қарори ва 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёш дзюдочиларни тайёрлашнинг чуқурлаштирилган босқичида тезкор-куч қобилиятларини ошириш масалалари хорижий олимлар Матвеев Л.П., Платонов В.Н., Туманян Г.С., Верхошанский Ю.В., Филин В.П., Волков Л.В., Лях В.И., Степанов С.В. ва уларнинг сафдошлари томонидан ўрганилган.²

Мазкур муаммонинг ҳал қилинишига ўз ҳиссаларини қўшган ватанимиз олимларидан Усманходжаев Т.С., Керимов Ф.А., Атаев А.К.,

² Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. Киев, 1999. – 316 с.; Платонов В.Н. Система подготовки спортсменов в Олимпийском спорте. Общая теория и ее практические приложения. Киев, Олимпийская литература, 2004. – 808 с.; Туманян Г.С. Школа мастерства борцов, дзюдоистов и самбистов / учебное пособие / - М.: Академия, 2006. – 592 с.; Верхошанский Ю.В. Основы специальной физической подготовки спортсменов // М.: Физкультура и спорт, 2007. – 331 с.; Филин В.П. Спортивная подготовка как многолетний процесс. // Современная система спортивной подготовки. М.: САМ, 1995, С. 351-389; Волков Л.П. Теория и методика детского и юношеского спорта. Киев, Олимпийская литература, 2002. – 294 с.; Лях В.И. Координационные способности: диагностика и развитие. - М.: ТВТ Дивизион, 2006 - 290 с.; Степанов С.В. Головихин Е.В. Единоборства как средство развития личности (PDF) Екатеринбург: Альфа Принт, 2018. - 649 с. — ISBN 978-5-6040520-1-3.

Саломов Р.С., Халмухамедов Р.Д., Хонкельдиев Ш.Х., Тастанов Н.А., Гончарова О.В., Мирзакулов Ш.А., Арслонов Ш.А., Багдасаров А.Ю., Алиев И.Б. ва бошқалар танланган спорт турида чуқурлаштирилган машғулот юкламаларининг ҳажми ва шиддатини ошириб бориши билан жисмоний сифатларни, спорт техникаси ва тактикасини такомиллаштириш устида ишлар олиб боришган.³

Одатда, машғулот воситалари асосий (мусобақа) машқларини бажариш тавсифи билан белгиланади ва шакли бўйича ўхшашликка эга. Демак, бу спорт тури бўйича жисмоний тайёргарлик дастурида, улар учун чидамлилиқни намоён қилиш ҳарактерли бўлиб, узоқ ва узлуксиз бажариладиган машқлар асосий ўринни эгаллайди, чунки муҳимлигини инобатга олиш ва уларнинг асосий ҳаракат малакасини шаклланишига дзюдочилар организмнинг функционал имкониятларини ошишига, танланган спорт турига яқин бўлган жисмоний сифатларни тарбиялашга мувофиқ бўлиш лозим.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, тайёргарликнинг чуқурлаштирилган босқичида ёш дзюдочиларни тезкор-куч қобилиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришга оид илмий-услубий материалларушбу муаммони етарлича ўрганилмаганлиги тасдиқлайди ва танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертацияда бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий-тадқиқот ишларининг “Ўсмирлар спорти ва олий малакали спортчиларни тайёрлашнинг психологик-педагогик ва физиологик-гигиеник асослари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади чуқурлаштирилган тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш дзюдочиларнинг тезкор-куч қобилиятини ривожлантириш воситаларни танлаш методикасини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

³ Усманходжаев Т.С. Болалар ва ўсмирлар спорти ривожлантириш методикаси “Ўқитувчи”, 2014.- 148 б.; Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти., Т.,- 2007. - 108 б.; Атаев А.К. – Кураш. (Ўсмирлар ва ёшларнинг курашга ўргатишнинг методикаси ва воситалари). Т., 1987 й. – 47 б.; Саломов Р.С. Спорт машғулотларининг назарий асослари. Ўқув қўлланма. - Т. ЎзДЖТИ, 2005. - 238 б.; Холмухамедов Р.Д. Технология подготовки единоборцев на этапах годичного цикла. Автореф. дисс. д-ра. пед. наук. - Т., 2009. С. 18-19.; Хонкелдиев Ш.Х. Жисмоний тарбия назарияси ва усулияти. - Т.: ЎзДЖТИ, 2005 - 232 б.; Тастанов Н.А., Кураш турлари назарияси ва услубияти. Дарслик. Т-2017 й – 385 б., Гончарова О.В., Методика скоростно-силовой подготовки детей младшего школьного возраста, способствующая развитию взрывной силы мышцы ног. Педагогик таълим, Т.: 2003, № 5, С. 55-57; Мирзакулов Ш.А., Белбоғли кураш назарияси ва услубияти. Ўқув қўлланма Т. – 2013. 180 б.; Арслонов Ш.А. Спорт педагогик маҳоратини ошириш Дарслик. Файласуфлар ижодиёт уйи. Т.2017, 85-90 с., Багдасаров А.Ю. Специфика построения соревновательной деятельности дзюдоистов высокого класса при использовании интервальной мышечной тренировки, дис. канд. пед. наук. Т. – 2010 г. 112 с.; Алиев И.Б. Кураш билан шуғулланувчи талаба спортчиларни машғулот юкламаларининг оптимал нисбатлари. п.ф.н. диссертация. Т - 2012-й. 100 б.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чуқурлаштирилган тайёргарлик босқичида ёш дзюдочиларнинг мусобақа фаолиятида тезкор-куч қобилиятини ривожлантиришга юқори даражада таъсир кўрсатувчи воситаларни саралаш ва унинг самарадорлигини амалиётда аниқлаш;

ёш дзюдочиларнинг тезкор-куч қобилиятини ривожлантиришда қўлланиладиган махсус-тайёрлов машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш;

чуқурлаштирилган тайёргарлик босқичида ёш дзюдочиларни ҳужум, ҳимоя, қарши ҳужум ҳаракатлари сифатини оширишга қаратилган тезкор-куч қобилиятини ривожлантириш учун қўлланиладиган махсус-тайёрлов машқлар мажмуасини ўқув-машғулотлари жараёнида қўлланишининг оптимал нисбатларини ишлаб чиқиш;

чуқурлаштирилган ўқув-машғулот босқичида ёш дзюдочиларни ҳужум, ҳимоя, қарши ҳужум ҳаракатлари сифатини оширишга йўналтирилган тезкор-куч қобилиятини ривожлантиришдаги методик ёндошувни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти Республика олимпия заҳиралари коллежининг чуқурлаштирилган тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш дзюдочиларини ўқув-машғулотлари жараёни.

Тадқиқотнинг предмети чуқурлаштирилган босқичида ёш дзюдочиларнинг тезкор-куч қобилиятларни ривожлантиришда қўлланилган восита ва усуллар меъёрлари.

Тадқиқотнинг усуллари: илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш, педагогик кузатув, педагогик тестлаш, педагогик тажриба ва математик статистика усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чуқурлаштирилган тайёргарлик босқичида ёш дзюдочиларнинг машғулот мазмунида сараланган бўлимларни тизимлаштириш даражаси (ЮҚС ва шиддат зонаси) белгиланган вақт оралиғида тезкор-куч қобилиятини ривожлантиришнинг стандарт ва интервалли айланма тренировка воситаларини саралаш ҳисобига (машғулотларда машқларни кетма-кетлиги, сонияси ва дам олиш оралиқлари) такомиллаштирилган;

чуқурлаштирилган тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш дзюдочиларнинг мусобақа фаолиятидаги кўрсаткичлари асосида тезкор-куч қобилиятини ривожлантиришга қаратилган махсус-тайёрлов воситаларининг вазн тоифалари ва разряд таснифлари бўйича вариатив турлари ишлаб чиқилган;

чуқурлаштирилган тайёргарлик босқичида ёш дзюдочиларни тезкор-куч қобилиятини ривожлантириш учун сараланган воситалар ҳужум ва қарши ҳужум усуллари самарадорлигини оширишда қўлланиладиган махсус машқлар интенсивлиги тезкор ташлашлар вақтини ўзгартириш ҳисобига оптимал нисбатлари (ҳужум ва ҳимоя ишончлилиги) ишлаб чиқилган;

ёш дзюдочиларни машғулот жараёнида тезкор-куч қобилиятини ривожлантириш учун берилган махсус машқларни бажаришда ҳар хил спорт

разрядларига эга бўлган спортчилар мусобақа фаолиятининг мазмуни тик турган ҳолатда бажариладиган усулларини партерда бажаришга ўргатиш ҳисобига (усулларнинг миқдори ва сифати) такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёш дзюдочилар ўқув машғулот гуруҳининг чуқурлаштирилган босқичида тезкор-куч қобилиятини ривожлантиришга қаратилган махсус тайёрлов воситалари сараланиб, турли ёшдаги дзюдочилар мусобақа фаолиятини аниқ кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

ёш дзюдочиларни тайёрлашнинг чуқурлаштирилган босқичида тезкор-куч қобилиятларини такомиллаштиришда индивидуал техник ҳаракатларининг миқдорий кўрсаткичлари даражаси малака талаблари асосида ишлаб чиқилган;

ёш дзюдочиларнинг тезкор-куч қобилиятини айланма машғулот воситалари асосида ривожлантиришга, жисмоний ва техник тайёргарлик даражасининг ўсишига доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотларда олинган натижаларнинг ишончлилиги, адекватлиги, тадқиқот мақсадлари, педагогик тажрибада олинган ўлчаш натижаларининг етарли ҳажми ва репрезентативлиги, олинган маълумотларнинг компьютер техникаси ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги, тажриба давомида статистик ишончли ўзгаришини аниқланганлиги, таҳлил натижалари мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг тажрибавий маълумотлари билан таққосланганлиги, тақдим этилган хулосалар ва амалий тавсияларнинг ишончлилиги уларнинг илмий асосланганлиги ҳамда ўқув машғулот жараёнида ёш дзюдочиларда жисмоний қобилиятларини шакллантириш учун назарий ва услубий концептуал муаммоларини ҳал қилиш зарурияти олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чуқурлаштирилган босқичда шуғулланувчи ёш дзюдочиларни тезкор-куч қобилиятини ривожлантиришга доир машғулот юкламалари ҳажмининг оптимал нисбатлари ва машғулот дастури ишлаб чиқилганлиги, олинган материаллар ва натижалар машғулот жараёнининг самарадорлигини баҳолашда (бутун индивидуал техник-тактик маъзmunини батафсил тавсифлаш билан) ва халқаро кураш турлари назарияси ва услубияти соҳасидаги назарий билимларни бойитишга ва кенгайтиришга имкон берди ҳамда партерда машғулот олиб бориш имконияти, ўқитиш усул ва воситаларини такомиллаштиришда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти дзюдочиларни тайёрлаш бўйича назарий ва методик ишга қўшимчалар киритиши, айланма машғулот воситалари асосида ЎзДЖТСУ талабаларига спорт педагогик маҳоратини оширишда, БЎСМ, ИБЎОЗСМ, ИОЗМИ (ҳозирда РОЗК) ўқувчиларига жисмоний ва техник тайёргарлик даражаси самарадорлигини

ривожлантиришга, сараланган воситалардан тайёргарлик даврида ва мусобақа жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чуқурлаштирилган босқичда ёш дзюдочиларнинг тезкор-куч қобилиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

чуқурлаштирилган тайёргарлик босқичида ёш дзюдочиларнинг машғулот мазмуни тезкор-куч қобилиятини ривожлантириш мезонлари (айланма машғулотлар методикаси) такомиллаштирилиб, таклиф ва тавсиялар асосида “Sport pedagogik mahoratini oshirish” (dzyudo) номли дарслик нашр қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғига асосан 434-297 рақамли гувоҳнома). Натижада ёш дзюдочиларнинг жисмоний тайёргарлиги 13,4% га ва техник тайёргарлиги 15,8% га яхшиланган;

чуқурлаштирилган тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш дзюдочилар мусобақа фаолиятидаги ҳужум ҳаракатларининг умумий миқдори вазн кўрсаткичлари асосида такомиллаштирилиб, таклифлар “Sport pedagogik mahoratini oshirish” (dzyudo) номли дарслик чоп этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғига асосан 434-297 рақамли гувоҳнома). Натижада, ёш дзюдочиларнинг мусобақа фаолиятида турли ҳолатдан “оқури-аши-барай” усулини тўлиқ бажариш 27,1% га яхшиланган;

чуқурлаштирилган тайёргарлик босқичида ёш дзюдочиларни тезкор-куч қобилиятини ривожлантиришда ҳужум ва қарши ҳужум ҳимоя усуллари самарадорлигини оширишда қўлланиладиган махсус машқларнинг оптимал нисбатлари такомиллаштирилиб, таклиф ва тавсиялар “Kurash turlari nazariyasi va uslubiyyati” номли ўқув қўлланма нашр этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2019 йил 9 февралдаги 133-сонли буйруғига асосан 133-099 рақамли гувоҳнома). Натижада, ёш дзюдочиларнинг ҳужум ҳаракати 12,4% га, ҳимоя ва қарши ҳужум ҳаракатлари 12,8% га яхшиланган;

чуқурлаштирилган ўқув-машғулот босқичида ҳужум, ҳимоя, қарши ҳужум ҳаракатларининг сифатини оширишга йўналтирилган тезкор-куч қобилиятини ривожлантириш методикаси бўйича таклиф ва тавсиялар “Kurash turlari nazariyasi va uslubiyyati” номли ўқув қўлланма чоп этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2019 йил 9 февралдаги 133-сонли буйруғига асосан 133-099 рақамли гувоҳнома). Натижада ёш дзюдочиларнинг “оқури-аши-барай” ташлаш натижалари 21,2% га яхшиланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий ишлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 3 та мақола, шундан 1 таси хорижий илмий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат бўлиб, 137 саҳифалик матн, 3 та расм, 14 жадвал, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзуни долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги, диссертацияда кўтарилган муаммонинг ўрганилганлик ҳолати, мавзуни диссертация бажарилган таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, тадқиқот натижаларини апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлардаги ва спорт амалиётидаги маълумотлар бўйича тадқиқотнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида дзюдочиларда тезкор-куч тайёргарлигини ташкил қилиниши юзасидан таҳлил, ҳаракатларда намоён бўладиган тезкор-куч қобилиятларнинг турлари, шуғулланувчиларнинг спорт фаолиятидаги тезкор-куч тайёргарлигини аҳамияти, тезкор-куч ва портловчи куч сифатлари ва уларни ривожлантириш муаммолари, турли вазн тоифасидаги спортчиларни тезкор-куч тайёргарлиги бўйича машғулот жараёнини режалаштиришда баъзи услубий ёндошувлар тавсифи юзасидан маълумотлар келтирилган.

Адабиётлардаги маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мутахассислар курашнинг турлари бўйича тезкор-куч қобилиятларини шакллантиришни бир-биридан фарқли усуллари бор, деган умумий фикрни билдирганлар.

Илмий тадқиқотлар дзюдода узок муддатли машғулот жараёнининг турли босқичларида рационал усулларни ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконини берган.

Ушбу масаланинг ҳолатини таҳлил қилиш, ёш дзюдочиларни тайёрлашнинг чуқурлаштирилган босқичида тезкор-куч қобилиятларини ошириш анъаналари ва мусобақа фаолиятини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ёш дзюдочиларнинг ўқув-машғулот жараёнини оптималлаштириш ва энг муҳими, техник-тактик тайёргарликни шакллантириш жараёнини бошқариш имконини беради.

Бугунги кунда, дзюдода беллашувларнинг жадаллиги ортмоқда. Спортчилар томонидан техник ҳаракатларни тезкор-куч орқали комбинациялар билан бажаришни ва уларнинг хилма-хиллигини ошириш

анъанаси кузатилмоқда. Спорт маҳоратининг ўсиши учун тезкор-куч қобилиятларини ривожлантиришнинг самарали услубиятини ишлаб чиқиш, дзюдочилар томонидан мусобақаларда муваффақиятли қўлланиладиган техник ҳаракатларни бажаришда янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёш дзюдочилар машғулот жараёнининг самарадорлигини янада оширишда кўп жиҳатдан тезкор-куч ҳаракатлари ва усулларини такомиллаштириш билан боғлиқ аниқ кўрсатмалар берилмаган.

Мазкур муаммо бўйича илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда дзюдочиларнинг тезкор-куч қобилиятларини такомиллаштириш тўғрисида масаласи етарлича ўрганиб чиқилган, бироқ, ёш дзюдочиларни тайёрлашнинг чуқурлаштирилган босқичида тезкор-куч қобилиятларини ошириш услубиятини ўзига хос хусусиятлари етарлича ўрганилмаган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг усуллари ва ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланилган илмий тадқиқот усуллари ёритилган.

Тадқиқот ишлари 2015-2018 йиллар давомида уч босқичда ўтказилди:

Биринчи босқичда (2015-2016 йиллар) турли хил вазн тоифасидаги дзюдочиларда қўлланиладиган индивидуал техник ҳаракатлар жамғармаси, йиллик циклнинг базавий тайёргарлик босқичларида тезкор-куч йўналишидаги воситалар ва услублар таркиби ўрганиб чиқилди. Тадқиқотларда ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Ўзбекистон биринчилиги катнашчилари иштирок этдилар.

Иккинчи босқичда (2016-2017 йиллар) тезкор-куч хусусиятларига эга бўлган махсус машқлар орқали айланма машғулотлар дастури ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди.

Учинчи босқичда (2017-2018 йиллар) асосий тажриба ишлаб чиқилган дастур асосида Республика ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактаб-интернати (ҳозирда РОЗК) ва Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактаб – интернатида (ҳозирда ЧОЗК) таҳсил олаётган тайёргарлик даражалари бир-бирига яқин бўлган 64 нафар ёш дзюдочилар танлаб олинди ва икки гуруҳга (назорат ва тадқиқот) ажратилди.

Ҳар бир гуруҳда ўқув машғулот гуруҳларининг чуқурлаштирилган босқичидаги 32 нафар спортчилар иштирок этди. Тадқиқотда иштирок этган чуқурлаштирилган босқичда шуғулланувчи ёш дзюдочиларнинг тезкор-куч тайёргарлиги бир қатор нуфузли мусобақаларда ўз исботини топди.

Диссертациянинг **“Ёш дзюдочиларнинг ўқув-машғулотлар жараёнидаги тезкор-куч тайёргарлиги воситаларини аниқлаш учун тасдиқловчи тажрибанинг ташкил қилиниши”** деб номланган учинчи бобида спортчилар вазнининг қўлланиладиган техник-тактик ҳаракатлар жамғармасига таъсири, ёш дзюдочиларнинг индивидуал техник-тактик ҳаракатлари жамғармасини ўрганиш, тезкор-куч тайёргарлиги бўйича машғулот юкламалари ҳажмларини таҳлил этиш бўйича махсус тайёрлов машқлар мажмуаси ишлаб чиқилган ва ёш дзюдочиларнинг жисмоний ва

техник-тактик тайёргарлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги юзасидан маълумотлар баён этилган.

Ҳозирги малакали ёш спортчилар тайёргарлиги хусусиятларини, шунингдек, обектив зарурият ва кўп вақтни машғулот юкламаларини назорат қилишга сарфланишини эътиборга олиб, тезкор-куч ишини ҳисобга олиш ҳамда таҳлил этишни алоҳида ажратиш ва мустақил равишда кўриб чиқиш лозим. Ёш дзюдочиларни тайёрлаш амалиётида тезкор-куч тайёргарлиги бўйича алоҳида машғулотлар олиб борилмайди.


Тажрибада қатнашаётган ёш дзюдочилар учун тезкор-куч тайёргарлигини олдиндан ишлаб чиқилган дастури умумий кўринишда амалий тавсияларда келтирилади. У машғулот услубиятининг асосий йўналишларини акс эттиради ва зарур параметрларни ўз ичига олади. Мазкур параметрларни бажарилиши дзюдочиларнинг жисмоний тайёргарлигини янада юқори даражасини таъминлайди.

Жисмоний тайёргарликнинг умумий тузилмасида бу сифатлар етакчи ўрин эгаллайди. Айнан шунинг учун, биз, тезкор-куч йўналишдаги воситалар ҳажмларини оширишга ва уларни текширилаётган кўрсаткичларда катта ўсишига эришиш мақсадида машғулот микроциклларида режалаштиришга уриндик. Спорт тайёргарлигини ташкил қилишнинг оқилона шаклларида бири қуйида келтирилган айланма машғулот ҳисобланади. Ушбу тайёрлов машқларини бажаришда фаолият хусусиятини мусобақа машқларига ҳос бўлган иш режимига яқинлаштириш имконини беради ва шу орқали машқланганликнинг кўчиши учун қулай шароитлар яратади.

Ёш дзюдочиларнинг тезкор-куч сифатларини ривожлантириш учун айланма машғулот воситалари. Машқларни танлашда, шундай машқларни саралаш лозимки, улар ёрдамида элемент тузилишига эмас (бу жиҳатдан мусобақа фаолиятининг ўзи ҳар қандай машқлардан афзалроқ), балки дзюдочиларни тезлик ва тезкор-куч тайёргарлигини мустақкам тараққий этишини таъминловчи механизмларга таъсир кўрсатиш мумкин бўлсин. Шунинг учун, дзюдода алоҳида аҳамиятга эга бўлган машқлар танлаб олинди. Бунга айланма машғулотда қўлланилган оғирликлар билан машқлар мисол бўла олади. Оғирликлар спортчининг вазнига тенглаштирилгунча машғулотлар (3-4 ой ичида) давом этади (1-расмга қаранг).

Демак, биринчи галда: 1) арқонга (оёқлар ёрдамсиз) тирмашиб чиқиш; 2) 70-80 см баландликдаги тумбага сакраб чиқиб тушиш, имкони борича 180 ва 360 градусга бурилиш билан; 3) чалқанча ётган ҳолатда штангани сиқиб кўтариш; 4) қўлларни букиб ёзиш; 5) тик турган ҳолатда штанга грифини бир учини иккала қўл билан ушлаб, чап ва ўнг томонларга силжитиш; 6) 45 градус остида қия турган гимнастика ўриндиғида чалқанча ётган ҳолатда, гавдани 90 градусга буриш билан кўтариш ва тушириш, оёқлар маҳкамланган; 7) ўриндикда қорин билан ётган ҳолда штангани кўтариш; 8) шеригини (вазни спортчи вазни билан тенг) сеои-наге техник усулида ташлаш.

Станцияларнинг ҳар бири ўзини шартли номига эга; 1-арқон; 2-сакрашлар; 3-ётиб штангани сиқиб кўтариш; 4-бел; 5-тебрангич; 6-пресс;



3.1-расм. Айланма тренировка механизми

7-кўтариш; 8-ташлаш. Бу машқлар мусобақа машқларини моделлаштирса ҳам, улар қайсидир жихатдан дзюдодаги кўпгина техник усулларнинг бажарилишида қатнашадиган асосий мушак гуруҳларини ривожлантиради. Кўриниб турганидек, айланма машғулотнинг ушбу машқлар мажмуаси ёрдамида спортчини янги мусобақа фаолияти шароитларига яқинлаштирилган ҳаракат режимига олиб чиқиш мумкин.

Айланма машғулот икки кунда бир марта ва ҳар доим бадан қиздириш машқларидан кейин бажарилди. Ёш дзюдочиларнинг тезкор-куч қобилиятини ривожлантиришдаги машғулотлар ҳафтада уч кун (сешанба, пайшанба, шанба кунлари эрталабки машғулотлар) ташкиллаштирилиб амалга оширилди, кечги машғулотларда эса, фақат техник-тактик ҳаракатларни такомиллаштириш назарда тутилди. Демак, ҳафтада уч кун куннинг биринчи ярмида айланма машғулотни қўллаб, биз, дзюдочиларнинг тезкор-куч қобилиятини мақсадли такомиллаштиришга интилдик, кечки машғулотларда эса, биз, техник-тактик тайёргарликни такомиллаштирдик. Бу, ёш дзюдочиларда асосий техник ҳаракатлардаги ҳаракат малакаси мустаҳкам шаклланган стереотипга эга эканлиги билан тушунтирилади, у, толиқиш замирида ўзгармаслиги лозим. 5-6 соат давомида тикланиш учун ажратилган вақт кечки машғулотгача яхши функционал тайёргарликда куч заҳирасига эга бўлишга имкон берди.

Бир станцияда ишлаш давомийлиги 40 сонияли ишдан иборат бўлиб, битта айлана (яъни, саккизта станцияни) 8 дақиқача вақт ичида босиб ўтилган. Шундан сўнг, спортчи 2-3 дақиқа дам олиши орқали бадан

қиздириш машқидан кейинги дастлабки даражагача деярли тикланди. Ҳар бир спортчида 8 тадан станция бўлиб 4 та айланани ўтилди, бунга ҳар бир спортчи 32 дақиқа вақт сарфлади. Бадан қиздириш машқлари машғулотнинг ўртача 25-30 дақиқасини ташкил этади. Шунинг учун, бундай машғулотларни ҳафтасига уч марта ўтказиш пайтида, умумий 96 дақиқাগача махсус тезкор-куч йўналишидаги иш ҳажми бажарилди.

Юклама катталиги машғулотнинг таъсири бўйича қайд қилинди. Дзюдочилар машғулотларининг бирини юклама катталиги жадвалда келтирилган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Машғулот юкламаларининг уч зона бўйича тақсимланиши

т/р	Таркиби	Бажарилиш вақти (сек)	ЮҚЧ 1дақиқада (зарба/мин)	Жадаллик (балл)	Жадаллик зоналари	Машқнинг такрорланиш сони
1.	Бадан қиздириш	15	114	60	Биринчи	4-6
2.	Хужум усулларини такомиллаштириш	10	144	60	Биринчи	25-30
3.	Ҳимоя усулларини такомиллаштириш	10	156	80	Иккинчи	20-25
4.	Тезкор савияда ташлашларни такомиллаштириш	5	170	70	Учинчи	50-55
5.	Қарши ҳужумни такомиллаштириш	10	138	50	Биринчи	20-25
6.	Машғулот жараёнида беллашувлар	6	170	126	Учинчи	2-3
7.	Дзюдочиларнинг мушакларини чиништиришни ривожлантириш учун махсус машқлар	4	126	12	Биринчи	4-6

Шундай қилиб, машғулотнинг умумий иш вақти 60 дақиқани ташкил этди. Ҳар бир вазифа учун ЮҚЧнинг ўртача кўрсаткичи ва ишни бажарилиш вақти белгилаб борилди. В.В.Сарванов жадвали бўйича, биз, машғулот шиддатининг балларини аниқладик. Масалан, бадан қиздириш машқидан бундай машғулотларни ўртача кўрсаткичи бир дақиқада 114 зарба бўлганда 15 дақиқа давом этди, бу, жадвалга биноан 4 баллни ташкил қилади. Ушбу машғулот юкламасини спортчи организмга таъсир кўрсатиши йўналишига кўра ҳам аниқлаш мумкин. Одатда, иш шиддати вақтини учта зонада ҳисоблаш қабул қилинган: 1-зона кўпроқ аэроб – ЮҚЧ дақиқада 114-135 зарба; 2-зона аэроб ва анаэробли – ЮҚЧ дақиқада 136-155 зарба ва 3-зона анаэроб – ЮҚЧ дақиқада 171 зарба ва юқори аэроб ва анаэроб – ЮҚЧ дақиқада 156-170 зарба ва 3-зона анаэроб – ЮҚЧ дақиқада 171 зарба ва юқори.

Шундай қилиб, 1-зонада умумий иш вақти 39 дақиқани ёки умумий вақтдан 65% ни, юклама катталиги эса - 182 шартли бирликни ташкил этди. 2-зонада иш вақти 15 дақиқани ёки умумий вақтдан 25% ни, юклама катталиги эса - 150 шартли бирликни ташкил қилди. 3-зонада спортчи 6 дақиқа ёки умумий вақтдан 10% ишлади, юклама катталиги 126 шартли бирликни ташкил этди.

Ёш дзюдочилар машғулотларини ҳафтасига 3 кун эрталабки бадан қиздириш (сешанба, пайшанба, шанба) машқидан кейин ташкиллаштириш ва уларни тезкор-куч қобилиятини ривожлантириш учун назорат машқлари белгиланган юклама бўйича бажарилишига қараб шиддат зоналарига ажратилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Ёш дзюдочилар машғулотларини ташкил этилиши

Т/ Р	Машқларнинг номи	Бажариш меъёри			
		Марта	Вақти (сония)	ЮҚЧ (зарба/дақ.)	Шиддат зонаси
1.	Арқонга тирмашиб чиқиш	2-3	45-50	120	1
2.	70-80 см баландликдаги тумбага сакраб чиқиш	25-30	40-45	144	2
3.	Ётиб штангани кўтариш	15-20	40-45	126	1
4.	Қўлларни букиб ёзиш	35-40	40-45	146	2
5.	Штанга грифини ўнг ва чап томонга силжитиш	24-26	40-45	162	3
6.	Пресс (гавдани ўнг чап томонга кўтариб)	20-26	35-40	138	2
7.	Ўриндикда қорин билан ётган ҳолатда штангани кўтариш	15-20	35-40	156	3
8.	Сеои-наге усулида ташлаш	10-12	10-15	174	3

Жадвалда кўриниб турибдики: арқонга тирмашиб чиқиш (6 метрдан иборат баландликга эга) тўхтамасдан 2-3 марта бажарилганида ЮҚЧ дақиқасига 120 мартани ташкил қилди ва 1-шиддат зонасига ажратилди; 70-80 см баландликдаги тумбага сакраб чиқиб тушиш (имкони борича 180 ва 360 градусга бурилиш билан сакраш) 25-30 марта, ЮҚЧ дақиқасига 144 мартани ташкил қилди ва 2-шиддат зонасига ажратилди; ётиб штангани 15-20 марта кўтаришда ЮҚЧ дақиқасига 126 мартани ташкил қилди ва 1-шиддат зонасига ажратилди; қўлларни 35-40 марта букиб ёзиш жараёнида ЮҚЧ дақиқасига 146 мартани ташкил қилди ва 2-шиддат зонасига ажратилди; тебрангич (штанга грифини ўнг ва чап томонга силжитиш) 24-26 марта бажарилганида ЮҚЧ дақиқасига 162 мартани ташкил қилди 3-шиддат зонасига ажратилди; пресс (тана 45°С бурчак остида оёқлар маҳкамланган ҳолда гавдани ўнг ва чап томонларга буриб кўтариш) 20-26 марта бажарилганида ЮҚЧ дақиқасига 138 мартани ташкил қилди ва 2-шиддат зонасига ажратилди; кўтаришни (ўриндикда қорин билан ётиб штангани кўтариш) 15-20 марта бажарилганида ЮҚЧ дақиқасига

156 мартани ташкил қилди ва 3-шиддат зонасига ажратилди; ташлаш (сеоинге техник усулига ташлаш) 10-12 марта бажарилганида ЮҚЧ дақиқасига 174 мартани ташкил қилди ва 3-шиддат зонасига ажратилди.

Чуқурлаштирилган тайёргарлик босқичида тезкор-куч машғулотларини ташкил қилишнинг бундай режими малакали ёш дзюдочиларни мусобақа даврида махсус жисмоний тайёргарлиги даражасини оширишга ёрдам берди.

Ўқув машғулот гуруҳининг тайёргарликнинг чуқурлаштирилган босқичида қўлланиладиган айланма машғулотни тавсифлаб шуни такидлаш жоизки, қўлланиладиган машқларнинг йўналиши ҳар хил бўлган. Маълумки, агар, машғулот юкламасининг шиддати ва давомийлиги юқори бўлса, юклама самараси анча катта бўлади. Шундан, тезкор-куч сифатларини ривожлантиришга юкламани максималгача оширишга ва бир вақтнинг ўзида мусобақа фаолияти шароитларига қараб, унинг таъсир этиш давомийлигига ўзгартиришлар киритиш лозим. Шу сабабли, айланма машғулотда саккизта станция (машқлар) қўлланилди. Ҳар бир станцияда иш давомийлиги деярли бир дақиқани ташкил қилди. Машқларни бажаришга 40 сония вақт ажратилди, қолган вақтни спортчи дам олиш ва бошқа машққа ўтишга сарфлади. Мувофиқ равишда саккизта станциядаги иш вақти дзюдода беллашув давом этадиган умумий вақтдан келиб чиққан ҳолда қўлланилган.

Ёш дзюдочиларнинг тезкор-куч қобилиятини ривожлантиришда амалга оширилган педагогик кузатишлар жараёнида, ҳар бир станцияда турли хил оғирликларда қайд қилинган миқдорий натижаларни янада аниқроқ ақс эттириш мақсадида, якуний натижаларга жиддий таъсир кўрсатадиган иккита катталикни кўрсатиб ўтиш лозим. Биринчи навбатда, ҳар бир станцияда 40 сония ишлаш максимумдан 60-80% дан ошмаслиги лозим. Иккинчидан, бу станциядаги машқларнинг бажарилиш тезлиги ва иш суръати максимал бўлиши лозим. Бунинг барчаси тезкор-куч характердаги машғулот жараёнини турли йўналишини таъминлайди.

Олиб борилган педагогик тажриба натижасида, 1-чи ва 2-чи ҳафта давомида тезкор-куч тайёргарлиги воситаларини қўллаш дзюдочиларнинг функционал ҳолати ва жисмоний тайёргарлигини кўтарилишига олиб келганлиги аниқланди.

Шундай, қилиб қўлланиладиган машғулот воситаларининг умумий тузилмасидан тезкор-куч йўналишдаги машқларни ажратиб олиб, бу машғулот юкламаларини ҳисобга олиш тизимини турли хил мезонлар бўйича оптималлаштириш лозим. Бунда, мураббий тезкор-куч тайёргарлиги жараёнини шундай оптималлаштириш керакки, у, бажариладиган иш мазмунини тўлиқ ёритиб берадиган ахборотни олиши зарур. Умуман тезкор-куч йўналишидаги машқларнинг ўзи (барча зарурий умумий маълум бўлган услубий тамойиллар билан) тадқиқот объекти сифатида қатнашади, оғирликлар вазни, бажарилиш сони, ёндашишлар серияси олдида дам олиш танаффуслари, машқнинг бажарилиш тезлиги ва ҳо казолар.

Диссертациянинг **“Ёш дзюдочиларнинг тезкор-куч тайёргарлиги воситаларини танлаш усулиятини тажрибада асослаш”** деб номланган

тўртинчи бобида айланма машғулот методикаси орқали тезкор-куч хусусиятидаги машқлардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш, ёш дзюдочиларнинг тезкор-куч сифатларини ривожлантириш учун айланма машғулот воситаларини баҳолаш ва тадқиқот натижалари муҳокамаси баён этилган.

Айланма машғулотлар методикаси орқали тезкор-куч хусусиятидаги машқлардан фойдаланиш ва уларнинг мувофиқлигини асослаш ёш дзюдочилар мусобақа фаолияти таҳлилидан олинган натижалар, машғулот жараёнини режалаштиришда янгича ёндашиш ва мусобақа даврининг босқичларида қўлланиладиган тайёргарлик воситаларини йўналиши ва ҳажмини қайта кўриб чиқиш имконини яратди. Мусобақа даврида асосий мақсадга эришиш учун функционал ва тезкор-куч тайёргарлиги даражасини ошириш ҳамда техник-тактик маҳоратни такомиллаштиришга, базавий тайёргарлик босқичида эса, тезкор-куч сифатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди.

Дзюдо бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати совриндорларининг мусобақа фаолияти ҳамда турли вазн тоифасидаги ёш дзюдочиларни турли ҳужум ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар 3-жадвалда ёритилган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати қатнашчиларининг техник маҳорати даражаси тахминан бир хил бўлишига қарамасдан, ўтказилган техник ҳаракатлар ҳисобига ғалаба қозона олмаган дзюдочилар ҳам бор.

3-жадвал

Чуқурлаштирилган тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш дзюдочиларнинг мусобақа фаолиятидаги техник усулларнинг натижадорлик кўрсаткичлари

Спортчилар- нинг г/р	Ф.И.	Вазн тоифаси	Кўрсаткичлар							Учрашув- лар сони	Ўрин
			Н (ҳужум лар сони)	М (ҳужум лар микдо- ри)	Н (баҳо- ланган ҳимоя ҳаракат лари)	Н ₁ (ҳимоя- ларнинг умумий микдо- ри)	На (ҳужум ишончли- лиги)	Н ₃ (ҳимоя ишонч- лиги)	Та (ҳужум оралиғи дағи вақт)		
1.	О-в А.	55	21	31	16	26	0,7	0,6	1,2	5	1
2.	П-в И.	55	18	26	19	31	0,69	0,61	1,3	6	2
3.	В-ев Б	60	23	33	16	29	0,69	0,55	1,4	4	1
4.	А-вЭ.	60	19	30	22	48	0,63	0,45	1,6	5	2
5.	Й-вД.	66	22	31	20	32	0,7	0,67	1,3	5	1
6.	Э-вЗ.	66	16	28	18	34	0,57	0,52	1,5	6	2
7.	Б-вЖ.	73	17	25	21	36	0,68	0,58	1,8	4	1
8.	Ж-вМ.	73	14	23	17	32	0,60	0,53	1,7	5	2
9.	Қ-вЖ.	81	12	19	16	28	0,63	0,57	1,9	4	1
10.	Ў-вУ.	81	11	21	14	32	0,52	0,43	1,6	5	2
11.	Х-вШ.	90	10	15	12	20	0,66	0,50	1,5	5	1
12.	Т-вМ.	90	8	13	10	19	0,61	0,52	1,8	6	2

3-жадвал давоми

13.	Б-в А.	100	6	9	13	20	0,66	0,65	1,7	5	1
14.	Қ-вМ.	100	5	11	8	14	0,45	0,51	2	6	2
\bar{X}			14,4	22,5	15,9	28,6	0,6	0,5	1,6	5,1	
σ			5,9	8,0	4,1	8,6	0,1	0,1	0,2	0,7	
V, %			41,0	35,6	25,9	30,0	11,9	12,6	15,1	14,4	

Изоҳ: **Н**-баҳоланган ҳужум ҳаракатларининг сони,**m**-ҳужум ҳаракатларининг умумий миқдори; **N**- баҳоланган ҳимоя ҳаракатлари миқдори, **N₁**- ҳимоя ҳаракатларининг умумий миқдори, **На**- ҳужум ишончилиги бўлиб, унинг сон қиймати баҳоланган ҳужум ҳаракатларининг сонини ҳужум ҳаракатларини умумий миқдорига бўлиш натижаси,**N₂**- ҳимоя ишончилиги бўлиб, баҳоланган ҳимоя ҳаракатларининг сонини ҳимоя ҳаракатларини умумий миқдорига бўлиш натижаси.**Та**- ҳужум оралиғидаги вақт.

Агар, мусобақа натижаларининг қўшма маълумотларига мурожат қилсак, барча вазн тоифалари бўйича ғалаба қозониш хусусиятига кўра (“иппон” билан эришилган ғалабалар сони) 60 ва 66 кг вазн тоифаларида тўрттадан беллашув “вазари” билан тугалланди, бу ушбу вазнларда қайд қилинган беллашувларнинг 15% ни ташкил этади. 81 ва 90 кг вазн тоифаларида бу кўрсаткич 12,7% ни ташкил қилди. Кўпчилик беллашувлар, айнан, барча беллашувларнинг учдан бирида, яъни 39%да ғалаба “иппон” билан яқунланди. Бу, баъзи кучли дзюдочиларнинг техник маҳорати ва тезкор-куч тайёргарлиги даражаси, худди шу вазн тоифаларида қатнашаётган бошқа дзюдочиларникидан анча юқори эканлигидан далолат беради.

Ёш дзюдочилар ўртасида 55 кг ва 60 кг вазн тоифаларда энг кўп қўлланилган усуллар: – “о-сото-отоши” –33%, самарадорлиги –10%; “учи-мата”-19%, самарадорлиги 20%; 66 кг вазн тоифасида кўпроқ қўлланилган усуллар: “коши-гурума”–17% самарадорлиги кескин фарқли равишда – 3%; “ко-сото-гари” – 15%, самарадорлиги – 4%; “саде-сурикоми-гоши” – 8%, самарадорлиги – 2%; урае-наге –10%, самарадорлиги – 3%; катаме-вадза – 29%, самарадорлик – 14,1%; “косото-гари” – 10%, самарадорлик – 13%. 66 кг вазнда наге-вадзада “учи-мата” техник усули – 27%, самарадорлиги – 26%. 73 кг вазн тоифасидагилар қўллаган техник усулларнинг хили кўп эмас. Наге-вадза усулида қўлланилган усулларнинг – 18% бажарилган. Амалга оширилган тез-тез қўлланиладиган ҳаракат “учи-мата” – 17%, “тай-отоши” – 20%, “де-аши-барай” – 12%, “ко-учи-гари” – 15%. Шу техник ҳаракатлар энг натижали ҳам ҳисобланади; “о-учи-гари” – 25% (4 та иппон), “учи-мата” –25% (3 та иппон) ва 10% дан “о-гоши” (2 та иппон). 81 кг вазндаги дзюдочилар техник тайёргарлиги жамғармаси таҳлил қилинганда, турли-туман усуллар орасида энг тез-тез қўлланиладигани “учи-мата” – 10%, “коши-гурума” – 14%ни ташкил қилади.

Наге-вадзада бажарилган қуйидаги техник усуллар катта натижалар берди: “тай-отоши” – 17%, “о-учи-гари” – 10%. 90кг вазн тоифасида фақат иккита усул ҳужумда тез-тез қўлланилди – “тай-отоши” – 14% ва “сеой-наги” – 20%, худди шу усулларда самарадорлик юқори: агар “тай-отоши”да у – 33% ни ташкил этса, “ко-учи-гари”да фақат – 12% га тенг.

Оғир вазнда ҳам фақат иккита усул тез-тез қўлланилди, “хидза-грума” – 16% ва “ко-учи-гари”лар – 15%, ундан ташқари катаме-вадза техник

усуллари – 18% қўлланилди. Ушбу вазнда техник ҳаракатларнинг самарадорлиги паст “хидза-грума” бу фақат–5%, “ко-учи-гари” – 3%ни ташкил этди. Шу билан бирга, умуман бошқа усуллар ҳам катта фоизли натижа берди. Масалан, “о-сото-отоши” – 10%, кудзуши–25%, “о-учи-гари” – 15%, “о-учи-гаке” – 10%, “ко-учи-гари” – 10% кўрсаткичларда бажарилди.

Шундай қилиб, ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати катнашчиларининг барча вазн тоифалари бўйича техник тайёргарлиги даражаларини таҳлил қилиш, ёш дзюдочиларнинг техник маҳорати ва тезкор-куч тайёргарлигини такомиллаштириш усулиятларини йўналиши мусобақа фаолияти хусусиятларига мос келиши лозим. Яъни, ҳар бир вазн тоифасида дзюдочилар учун энг истикболли ҳужум ҳаракатларини ажратиш ҳамда шунга мувофиқ равишда улар учун самарали бўлган тезкор-куч тайёргарлиги дастурини белгилаб олиш мумкин. Демак, ёш дзюдочиларнинг тезкор-куч тайёргарлигини режалаштиришда вазн, бўй кўрсаткичлари ҳар доим ҳам устивор бўлмайди.

Ёш дзюдочиларнинг тезкор-куч имкониятлари даражасини баҳолаш учун қуйидаги тестлар танлаб олинди (4-жадвалга қаранг).

Спортчиларнинг махсус жисмоний имкониятларини мажмуавий намоён қилиниши қуйидаги тестлар бўйича баҳоланди: 8 та “оқури-аши-барай” ташлашларни бажариш вақти ва 15 та “оқури-аши-барай” билан ташлашларни бажариш вақти.

Педагогик тажриба давомида тажриба ва назорат гуруҳи ёш дзюдочиларида педагогик тажриба боши ҳамда охирида олинган тестлаш натижалари аниқланди. Уларни таҳлил қилиш, деярли ҳар бир дзюдочида жисмоний тайёргарлик даражаси ўсганлигини, лекин ўсиш фоизи бир хил эмаслигини кўрсатди, чунки дзюдочиларда бундай машғулот юкламаларини кўтаришга тайёр туришнинг дастлабки даражаси ҳар хил.

4-жадвал

Чуқурлаштирилган таёргарлик босқичида шуғулланадиган ёш дзюдочиларнинг тезкор-куч қобилиятини саралаб олинган махсус машқлар асосида такомиллаштириш кўрсаткичлари динамикаси (n=32)

т/р	Назорат тестлари	гуруҳ	Тадқиқот бошида			Тадқиқот охирида			Ўсиш, %да	t	p
			\bar{X}	σ	V, %	\bar{X}	σ	V, %			
1.	10 марта тортилиш (сония)	НГ	12,42	1,25	11,55	11,85	1,09	10,04	4,59	1,94	>0,05
		ТГ	12,51	1,41	11,23	11,19	1,21	9,88	10,55	4,02	<0,001
2.	10 марта ўтириб туриш (сония)	НГ	12,13	1,21	10,47	11,58	1,06	10,10	4,53	1,93	>0,05
		ТГ	12,21	1,38	11,16	11,01	1,17	9,90	9,83	3,75	<0,001
3.	0,7 м юкоридан 10 марта сакраш (сония)	НГ	7,31	0,76	11,40	7,01	0,72	10,13	4,10	1,62	>0,1
		ТГ	7,4	0,88	11,14	6,77	0,75	9,84	8,51	3,08	<0,01

4-жадвал давоми

4.	Ётган ҳолатда гавдани 10 марта кўтариш (сония)	НГ	13,22	1,36	10,46	12,58	1,28	10,10	4,84	1,94	>0,05
		ТГ	13,31	1,53	9,97	11,85	1,24	9,89	10,97	4,19	<0,001
5.	8 марта “Оқури-аши-барай” ташлаш (сония)	НГ	14,72	1,51	10,16	13,91	1,36	10,06	5,50	2,25	<0,05
		ТГ	14,63	1,64	10,14	13,03	1,39	9,84	10,94	4,21	<0,001
6.	15 марта “Оқури-аши-барай” ташлаш (сония)	НГ	34,63	3,52	10,47	32,84	3,28	9,99	5,17	2,10	<0,05
		ТГ	34,61	4,12	10,21	31,43	3,52	9,98	9,19	3,32	<0,01
7.	Турган жойидан узунликка сакраш(см)	НГ	240,23	25,16	10,46	252,32	24,86	10,06	5,03	1,93	>0,05
		ТГ	240,14	26,74	9,97	264,21	25,12	9,97	10,02	3,71	<0,001


Изоҳ: НГ-назорат гуруҳи, ТГ-Тажриба гуруҳи.

Узунликка сакрашда натижанинг энг яхши ўсиши 24 см.ни ташкил қилди. Баъзи спортчиларда тажриба бошида жисмоний тайёргарлик даражаси қанчалик паст бўлса, тажриба охирида текширилаётган параметрларнинг ўсиши шунча юқори бўлди. Лекин, текширилаётган кўрсаткичларнинг ўсиш фоизи жойида туриб сакрашда – 10,02 % ни ташкил этди.

Тажриба давомида 10 марта тортилишлар вақти –10,5% га яхшиланди, тахминан худди шундай ўзгариш 10 марта ўтириб туриш (9,8%) тестида ҳам кузатилди. Қуйидаги кўрсаткичларда кичик ўзгаришлар рўй берди; 10 марта 0,7 м юқорига тумбага чиқиб тушиш 10 марта сакраш вақти – 8,51%, 15 марта “оқури-аши-барай” билан ташлаш вақти – 9,19%, 8 марта “оқури-аши-барай” усули билан ташлашлар вақти ва унинг педагогик баҳоси – 10,94%; ётиб гавдани 10 марта кўтариш вақти – 10,9%. Бу натижалар тажриба гуруҳи дзюдочиларининг жисмоний тайёргарлик даражаси педагогик нуқтаи назардан қанча ўсганлигини (яхшиланганини) кўрсатади.

Педагогик тажриба давомида назорат ва тажриба гуруҳи синалувчиларининг жисмоний кўрсаткичларини (t) нисбий ўзгариш динамикаси 2-расмда келтирилган.

Расмда белгиланган эркинлик даражаси учун Стьюдент қийматлари ҳамда уларни гуруҳлараро солиштириш натижалари келтирилган. “Жойида туриб узунликка сакраш” тажриба гуруҳида $t=3,71$, $P<0,001$; назорат гуруҳида эса $t=1,93$, $P>0,05$ ўсиш кўрсаткичини ташкил қилди; 15 марта “Оқури-аши-барай” усулини ташлаш вақтда тажриба гуруҳида $t=3,32$, $P<0,01$; назорат гуруҳида эса $t=2,1$, $P<0,05$; 8 марта “Оқури-аши-барай” усулида ташлаш вақтда тажриба гуруҳида $t=4,21$, $P<0,001$; назорат гуруҳида эса $t=2,25$, $P<0,05$; “Ётган ҳолатда гавдани 10 марта кўтариш” вақти тажриба гуруҳида $t=4,19$, $P<0,001$; назорат гуруҳида $t=1,94$, $P>0,05$; “0,7 м юқорига тумбага чиқиб тушиш” вақтда тажриба гуруҳида $t=3,08$, $P<0,01$; назорат гуруҳида $t=1,62$, $P>0,1$; “10 марта ўтириб туриш” вақтда тажриба гуруҳида $t=3,75$, $P<0,001$; назорат гуруҳида $t=1,93$, $P>0,05$; “10 марта турникда тортилиш” вақти тажриба гуруҳи $t=4,02$,



2-расм. Педагогик тажриба давомиданазорат ва тажриба гуруҳи синалувчиларининг жисмоний тайёргарлигини (t) нисбий ўзгариши динамикаси

